

# **МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЙ**



***Илимий-методикалық журнал***

---

**2023**

**6/3-сан**

*Озбекстан Республикасы Министрлер Кабинети жасындағы  
Жоқарғы Аттестация Комиссиясы Президиумының  
25.10.2007 жыл (№138) қарары менен дизимге алынды*

*Қарақалпақстан Баспа соз ҳәм хабар агенттіктер тәрепинен  
2007-жылы 14-февральдан дизимге алынды.  
№01-044-санлы гүйділдік берилген.*

Нөкис

**6/3-сан 2023**

**декабрь**

**Шолкемлестириүүшүүлөр:**

**Карақалпақстан Республикасы Халық бишмийендириүү Министрлиги,  
ОЗПИИИ Карақалпақстан филиалы**

**Редактор:**

**А. Тилегенов**

**Редколлегия ағзалары:**

Маңсет АЙЫМБЕТОВ  
Нағмет АЙЫМБЕТОВ  
Адхамжон АБДУРАШИТОВ  
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ  
Ерполат АЛЛАМБЕРГЕНОВ  
Алишер АЛЛАМУРАТОВ  
Дилшодхұја АЙТБАЕВ  
Интизар АБДИРИМОВА  
Мавлюда АЧИЛОВА  
Нурийдин АЧИЛОВ  
Тұлкин АЛЛАЁРОВ  
Мариғжон АХМЕДОВ  
Умида БАХАДИРОВА  
Фарҳад БАБАШЕВ  
Ботир БОЙМЕТОВ  
Гулзода БОЙМУРОДОВА  
Шахло БОТИРОВА  
Маманазар ДЖУМАЕВ  
Аскар ДЖУМАШЕВ  
Алишер ЖУМАНОВ  
Гүлнара ЖУМАШЕВА  
Холбой ИБРАГИМОВ  
Умида ИБРАГИМОВА  
Лола ИСРОИЛОВА  
Меруерт ПАЗЫЛОВА  
Аскарбай НИЯЗОВ  
Сабит НУРЖАНОВ  
Захия НАРИМБЕТОВА  
Мехри НАРБАШЕВА  
Улфат МАҲКАМОВ  
Уролбой МИРСАНОВ  
Нуржан МАТЧАНОВ  
Сафо МАТЧОН  
Шукурилло МАРДОНОВ  
Шахсанам МАТУПАЕВА

Лобар МУХТОРОВА  
Камаладин МАТЯКУБОВ  
Раъно ОРИПОВА  
Бахтиёр РАХИМОВ  
Фуркат РАЖАБОВ  
Сайёра РАХМОНОВА  
Арзы ПАЗЫЛОВ  
Барлықбай ПРЕНОВ  
Дилшода САПАРБАЕВА  
Феруза САПАЕВА  
Зайниддин САНАҚУЛОВ  
Қажхор ТУРСУНОВ  
Амина ТЕМИРБЕКОВА  
Нурзода ТОШЕВА  
Куанишбек ТУРЕКЕЕВ  
Гулноз ТУРАЕВА  
Гулмира ТОЖИБОЕВА  
Тажибай УТЕБАЕВ  
Мамбеткерим ҚУДАЙБЕРГЕНОВ  
Амангелди КАМАЛОВ  
Дилбар ҚАРШИЕВА  
Вохид КАРАЕВ  
Дилбар ҚОДИРОВА  
Ризамат ШОДИЕВ  
Абдушукур ШОФҚОРОВ  
Дилфузада ШАББАЗОВА  
Зафар ЧОРШАНБИЕВ  
Рустам ФАЙЗУЛЛАЕВ  
Дүстназар ХИММАТАЛИЕВ  
Тармиза ХУРВАЛИЕВА  
Умид ХОДЖАМҚУЛОВ  
Жавлонбек ХУДОЙБЕРГЕНОВ  
Гулрухсөр ЭРГАШЕВА  
Гавхар ЭШЧАНОВА  
Қонысбай ЮСУПОВ



<b>Чаброва Т.Л.</b> Роль родителей в формировании духовно - эстетических качеств детей дошкольного возраста при обучении их навыкам рисования .....	541
<b>Муталова Да.А.</b> Обучение детей дошкольного возраста в STEAM технологии .....	548

## ТАСВИРИЙ САЪНАТ

<b>Gulyamov К.М., Sarsenbaev T.T.</b> Tasviriy va amaliy bezak san'ati vositasida talabalarning badiiy-ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishning psixologik-pedagogik asoslari .....	551
<b>Ko'kiyev B.</b> Talabalarga loyihalashtirish va proyeksiyalash usullarini o'qitishning ba'zi usullari .....	560
<b>Mardov S.X.</b> Muhandis-quruvchilarning dizayn fikrlashimi rivojlantirishda grafik dasturlardan foydalaniш metodikasi .....	566
<b>Mirsoatova L.</b> Kompyuter grafikasi vositalarini mustaqil ta'lim ko'nikmalarida rivojlantirish kurslariga integratsiyalash .....	574
<b>Bozorov F.</b> Tasviriy san'at orqali yoshlardagi intellektual qobiliyatlarni rivojlantirish .....	579

## ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ҲӨМ СПОРТ

<b>Arabboyev H.</b> O'quvchilarни оммавиј sport sog'lomlashtirish jarayoniga tayyorlashning pedagogik mazmuni .....	584
<b>To'xtayev J.</b> Talabalarni kasbiy ko'nikmalari va shaxsiy sifatlarini voleybol vositalari yordamida rivojlantirish .....	592
<b>Muxamedov A.</b> Jismoniy tarbiya va оммавиј sportni reabilitatsiya qilish darslarida yuklamalarni standartlashtirishning asosiy prinsip va komponentlari .....	599
<b>Karimov F.</b> Sog'lomlashtirish mashqlarining inson hayotidagi o'smi .....	604
<b>Yuldashev M.</b> Bo'lajak jismoniy madaniyat o'qituvchilarida valeologik madaniyatni rivojlantirish mazmuni .....	609
<b>Quvatov E.</b> Xalqaro kurash turlari vositalarining integratsiyasi asosida kurashchilarning jismoniy tayyorgarligini oshirishning nazariy asosları .....	616
<b>Tursunov A.</b> Chaqiruvga qadar boshlang'ich tayyorgarlik fani bo'yicha o'quv jarayonini tashkil qilish .....	621
<b>Ataxanov H.K.</b> Jismoniy tarbiya darslarida boshlang'ich sinf o'quvchilarining psixologik xususiyatlari .....	624
<b>Нурматов Ф.А.</b> Волейболчиларда жисмоний тайёргарларини ривожлантиришда жисмоний сифатлардан фойдаланиш .....	630
<b>Davronov N.K.</b> Talabalarni fitness-yoga vositasida sog'lom turmush tarzini rivojlantirish darajalar va mezonlari .....	633
<b>Rajabova M.I.</b> Aholi orasida sog'lom turmush tarzini shakllantirishda jismoniy tarbiyaning tutgan o'smi .....	639
<b>Караев В. Ш.</b> Жисмоний тарбия ўқитувчисининг ижодий салоҳиятини ривожлантириш амалий таълим сифатини опширишнинг шартли сифатида .....	644
<b>Nurmatov E.</b> Talabalarni оммавиј jismoniy tarbiyaga va sportga qamrab olishning innovatsiyon mexanizmlarini takomillashtirish .....	651
<b>To'libayeva N. D.</b> Jismoniy tarbiyining shaxs xususiyatlari va sifatlarini shakllanishiga ta'siri .....	657
<b>Salaydinova D.D.</b> Gandbol darvozaboning mashg'ulotlarini optimallashtirish .....	662
<b>Раджапов У.Р., Хакимджанова К. Б.</b> Методика обучения особенности занятий легкой атлетикой с детьми, подростками, юношами .....	667



## ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИСИННИНГ ИЖОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АМАЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ ШАРТИ СИФАТИДА

*Караев В. Ш.*

Чирчиқ давлат педагогика университети Жисмоний маданият кафедраси доценти в.б., педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

**Таяинч сўзлар:** тренернинг педагогик фаолият, ижодий салоҳият, тренер-ўқитувчи, индивидуал, психологик, хис-туйғулар.

**Ключевые слова:** педагогическая деятельность тренера, творческое счастье, тренер-преподаватель, индивидуальное, психологическое, эмоции.

**Key words:** pedagogical activity of a coach, creative happiness, coach-teacher, individual, psychological, emotions.

Бугунги кунда жисмоний тарбия ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёни бу ижодий салоҳиятни ҳамда тегишли индивидуалликнинг ривожланиши, педагогик инновацияларга мойилликни, ўзгарувчан педагогик муҳитга мослашувчанлик қобилиятини шакллантириш билан боғлиқ жараёндир. Жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ҳамда маънавий ривожланиши педагог-ўқитувчиларнинг касбий даражасига бевосита боғлиқ ҳисбланади.

Жисмоний тарбия ўқитувчи ҳқида билдирилган қуйидаги фикр диққатга сазовордир, “жисмоний тарбия ўқитувчи, тренернинг педагогик фаолияти, ўзига хос хусусиятларига кўра, ижодий қобилияtlар кенг доирасининг доимий равишда намоён бўлишини, доимо ижодий излашишда бўлишни талаб қиласи”.

Педагог-тадқиқотчилар И.Ф.Исаев ҳамда В.И.Колесниковаларнинг фикрларига кўра, педагогнинг педагогик ижодининг ўзига хос хусусияти унинг касбий фаолиятининг обьекти ва субъектини бир вақтнинг ўзида тарбияланувчи шахси бўлишидир. Бундан жисмоний тарбия ўқитувчиси ва тренернинг педагогик ижодини ривожлантиришга эҳтиёжнинг ортиши кебиб чиқади ва у амалий таълимда зарурдир.

Бизнингча, жисмоний тарбия ўқитувчisi (тренер-ўқитувчи) педагогик ижодининг таркибий қисмларини, ўзига хос элементлар ташкил килади (1-расм).

Улар ўз ишида муваффакиятга ўз - ўзини ривожлантириш, ўз - ўзини камол топтиришга интилиш педагогик фаолиятининг барча турларида (назарий, методик, ижтимоий-психологик ва х.к.) амалга оширилиши табиий ва доимий эхтиёжга айланғандагина эришиши мүмкін. Бунда ноёб ва такрорланмас мавжудот – ўзининг индивидуал психологик ва жисмоний қобилиятлар, ўзининг маънавий дүнёсига эга инсон педагогик фаолият объекти ҳисобланади. Ўқувчилар ва спортчиларда бошланғич ижодий асосни уйғотиш, уларнинг ғоялари, фикрлари, ҳис-түйғуларидан педагогик жараённи бойитиш учун фойдаланиш – бу ҳар бир тренер ва ўқитувчининг ҳақиқий вазифаси ҳисобланади. Демак, педагогик ва тренерлик фаолиятида түлиқ муваффакиятга эришиш учун, барча нарсадан хабардор, билимдон мутахассис бўлиш, ўз фаолиятида мунтазам равишда амалий таълим учун муҳим бўлган янги йўлларни излаш лозим.

 Болалар билан мулокот қилишда таълим олувчилар билан бевосита ўзаро таъсирга нисбатан тўғри ёндашув танланганligига ишонтирувчи ижодий фаолият тажрибаси (шахснинг ижодий салоҳияти билан шартланган)

 Жисмоний тарбия соҳасидаги ихтисослаштирилган психологик-педагогик ва билимлар мажмуаси

 Таълимда стандарт ва ностандарт ечимлар топиш ва қўллаш имконини берувчи янги ғоялар, креативлик

 Харакатланиш тажрибаси ўзига хос кўрсаткич сифатида, бусиз жисмоний тарбия педагогининг касбий яроклилиги ҳақида сўз юритиш ҳам мумкин эмас

1-расм. Жисмоний тарбия ўқитувчisi педагогик ижодининг элементлари

Жисмоний тарбия дарси бўйича машғулотни ўтказиш доирасида ўқитувчи ижодий салоҳиятини ривожлантиришнинг мумкин бўлган йўллари ни кўриб чиқамиз

Тадқиқот муаммосига оид илмий манбалар ҳамда адабиётлар таҳлили, амалиётни кузатиш жараёнидан маълумки, ҳар доим ўқитувчи фаолиятининг ижод билан боғлиқлиги машғулот давомида ўқув материалнинг мазмунида ҳам, таълим методикасида ҳам янгиланишлар бўлиши кераклиги билан шартланган. Шунинг учун таълим жараёнида бир машғулотнинг бошқасидан фарқ килиши, табиий ҳолатдир. Ўқитувчининг ижодий фао-



лияти, унинг томонидан таълимни такомиллаштириш йўлларини излаш, кўп ҳолларда илмий тадқиқот шаклида ўтказилади.

### 1-жадвал.

#### **Жисмоний тарбия бўйича машғулотни ўтказиш доирасида ўқи- түвчининг ижодий салоҳиятини ривожлантириш усуллари**

Ривожлантириш усуллари	Тавсиф
Ривожланишнинг биринчи усули таълим жараёнига ўйин технологияларини жорий қилиш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади	Мактабда кичик ёшидаги ўқувчилар янги ўкув материални ўйин орқали осонлик билан ўзлаштирадилар, шунинг учун таълим жараёнига ўйинларни киритиш катта аҳамият касб этади. Масалан, гимнастика билан шуғулланганда ўқувчилардан гимнастик машқлар мажмуасини тайёрлаш сўралади, лекин уларни назорат шаклида баҳоламасдан, балки унинг ўрнига акробатик чиқиш уюштириш, дастлаб ўқувчиларга цирқда хақиқий акробатлардек чиқиш қилаётгандарини тасаввур қилиш сўралади. Шундай қилиб, болалар гимнастик машқларни иштиёқ билан ўргана бошлийдилар, шунингдек улар “назорат” сўзидан кўрқмайдилар, чунки у акробатик чиқиш билан никобланади.
Иккинчи усул мактабда ўрта ёшидаги болаларга коммуникатив фаолиятни жорий этиш (ўсмирларга тегишли)	Мазкур ёшда етакчи фаолият коммуникатив фаолиятдир, яъни тенгдошлар билан мулоқотдан иборат. Ижодий ёндашган ҳолда, мулоқот ижтимоий-фойдали фаолият доирасида, яъни мазкур ҳолда ўкув фаолияти давомида ўтишини амалга ошириш мумкин. Болалар ўртасида коммуникативликни яхшилаш ҳамда дарс мавзусини тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлашнинг энг яхши усули ўқувчиларни командаларга бўлишидир. Бунинг янада самаралироқ ўтиши учун, мусобақалашиш элементини киритиш мумкин. Ушбу жараёнда команда аъзолари жиплашади, демак, уларда қизиқиши пайдо бўлади, улар ракиблари устидан ғолиб чиқиш учун дарснинг янги мавзусини имкон қадар яхшироқ ўзлаштиришни истайдилар. Болалар учун турли мусобақалар ўтказиш мумкин, қувноқ стартлар, спартакиада, кросс ва ҳ.к.

<p>Учинчи усул – ўкувчиларни бевосита таълим жараёнини ташкил қилишга жалб қилишдан иборат.</p>	<p>Ушбу йўл катта ёшдаги мактаб болаларга тўгри келади, чунки бу ёшда ўкувчиларда ўкув-касбий фаолият устуворлик қиласди. Педагог ҳар бир дарсни ёки янги мавзуни аниқ ўкувчи ёки икки кишига бириктиради, улар материални тенгдошлари идрок қилишлари учун сифатли тайёрлашлари керак. Мазкур фаолиятда энг муҳими педагогнинг устозлик қилишидир. Болалар бундай тизим ёрдамида маълумотни шунчаки идрок қилмасдан, балки уни ўzlари излайдилар, танлайдилар, таҳлил қиласдилар, яъни хозирги даврда педагог факат маълумот беришининг ўзи етарли эмас, ўкувчилар уни ўzlари излаб топишлари зарур ҳисобланади. Бундай усул ўкувчиларга ўкув материални яхши ўзлаштиришларига ёрдам беради ҳамда маълумотни излаб топишга ўргатади.</p>
---	---

Шундай қилиб, педагог фаолиятини кўриб чиқар эканмиз, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, педагогнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш концепциясида мазкур жараённинг ҳамда педагогнинг субъектлиги қадриятлар билан шартланганлиги ҳақидаги ғоя етакчи ўринни эгаллайди. Педагогнинг фаолияти ижод, ҳаётга ижодий ёндашиш мутлақ қадриятлар категорига киради, деган илмий хуносага келиш мумкин. Иккинчи ғоя эса, педагогнинг субъектлиги, кўп ўлчамли ҳодиса сифатида тавсифланадиган ижодий ўз-ўзини ривожлантириш мантигини тушуниш заруриятини фаоллаштиради. Максад ва башорат қилинган натижка сифатида педагогнинг ижодий салоҳияти турли хил касбий масалаларни инновацион ҳал қилиш имкониятларининг мажмуи, ижодий ўсиши ҳамда қадриятли, унинг ўз-ўзини ижодий рўёбга чиқариш ва когнитив ва фаолиятли компонентлар ўзаро интеграциялашишида ифодаланган динамик шахсий тузилиши сифатида хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Ҳар бир жисмоний тарбия ўқитувчиси ва тренер фақатгина унга хос бўлган ўзига хос хусусиятлари, ижодий қобилиятлари билан ажralиб туради. Уларнинг бирида ўз вактда муаммоларни аниқлаш ва ҳушёрлик ривожланган бўлса, бошқаси фаразларни илгари суради, учинчиси эса, танқидийлик ва тафаккурнинг эгилувчанлигига эга ва ҳ.к.

Жисмоний тарбия ўқитувчиси ва тренернинг ижодий индивидуаллиги унинг билимлари, одоби, интуицияси, тажрибаси, тасаввури, доим ўзгариб турадиган шарт-шароитларда ишлаши ва педагогик фаолият ҳақида ижоднинг умумий қонуниятларига бўйсунувчи ижодий жараён сифатида сўз юритишга имкон беради. Шундай қилиб, жисмоний тарбия бўйича



мутахассис мәхнати ижодий характерга эга бўлиб, бу унинг касбий фаолиятида стандарт, консерватив ҳолатлар кам учрашини билдиради. Кўп ҳолларда у умумий ёндашувлар, тамойиллар, максадлар ва аниқ вазифаларга мос восита ва усусларни моҳирлик билан ишлатишни талаб қилувчи ностандарт вазиятларда харакат қиласи. Буларнинг ҳаммасини у ўзининг тарбияланувчиларининг ҳар хил бўлган тайёргарлик даражаси, уларнинг имкониятлари, ёши, қобилиятлари билан мувофиқлаштиришни билиши лозим. Мехнат фаолиятининг ижодий характери юзага келган ҳар қандай вазиятда йўл топишга тайёрлиги, ностандарт вазиятларда қарорларни қабул қила олиши, ҳакиқий ва оқилона далиллар топа олиши, ўқувчиларни мураккаб вазиятларда бошқара олиши билан изоҳланади. Шундай қилиб, замонавий ўқитувчи нафакат жисмоний тарбия соҳасида муайян билимлар манбаи бўлиши, балки ҳар қандай вазиятдан обрў ва шараф билан чиқиб кета оладиган профессионал бўлиши талаб этилади.

Педагогнинг ижодий индивидуаллиги – бу унинг фаолиятининг юксак тавсифидир, ҳар қандай ижод сингари у ўқитувчи шахсига яқиндан боғлиқдир. Ўқитувчи мәхнати педагогик фаолият, педагогик мулоқот ва шахс каби учта асосий компонентдан иборат. Жисмоний тарбия ўқитувчиси касбий фаолиятининг ижодий асосини тарбияланувчи шахси, унинг жисмоний тайёргарлиги даражаси, харакатланиш кўнгилларининг ривожланганлиги ташкил қиласи. Охир оқибатда ижодий компонент – бу ҳам тренер, ҳам жисмоний тарбия ўқитувчисининг ажралмас белгисидир. Демак, айнан шахсга мурожаат қилиш мәхнатнинг асосий омили ҳисобланади ва у педагогик фаолият ҳамда педагогик мулоқотда касбий нуқтаи-назарни белгилайди.

Жисмоний тарбия дарси машғулотининг мазмуни, ташкил қилиниши, ўткизиш методикасига кўра, мактабдаги энг қийин дасрлардан бири деб ҳисоблаш мумкин. Бу жараёнда “педагогик ижод жараёнининг ривожланиши мураккаб ва кўп қиррали ҳодисадир. Педагог ижодий қобилиятлар асосида шаклланишига қарамасдан, бутун хаёт давомидаги таълимдир. Демак, ижоднинг шаклланиши уни рағбатлантириш ва мотивация натижасида амалга ошади”. Бунда, “ҳакиқий педагогик ижод предмет моҳиятига бевосита боғлиқ бўлиб, унинг ичига кириб боради, чунки ижод маҳсулида янгилик бўлиши учун моҳият ўзгариши керак. Мазкур таркибий элементлар моҳиятининг тавсифи уларнинг ўзаро алокадорликда ва ўзаро таъсирда бўлишини кўрсатади”. Шундай қилиб, ёш авлодни спорт интизоми техникасига ўргатиш, уларнинг спортга оид фазилатларини ривожлантириш ва ниҳоят, хулқ-атвор меъёrlари ва қоидаларига риоя қилиб, яхши ҳис-туйғулар билан ўқувчилар билан ўзгариши муносабатда бўлган ҳолда,

уларни катта жисмоний юкламаларни енгишга мажбур қилиш мұхим ахамият касб этади.

Үқитувчининг масъулиятли ва ижодий меңнати – бу үқувчилар, уларнинг ота-оналари, ҳамкаслар билан ҳақиқаттан инсонпарвар ва демократик муносабатларни ўрнатыптырып бергендер. Бирок бунда ижодий педагогик фаолият оддий тақрорлаш, расмиятчилик, ўзгалар тажрибасига тақлид қилишга йўл қўймайди. Педагогик ишдаги ижод педагогик вазиятни тез ва онгли равишда баҳолаш ва ортирилган илмий билимларга таянган ҳолда, юзага келган муаммоларни ҳал қилишни билишда намоён бўлади. Үқитувчи тренер ўз амалиётида учрайдиган турли педагогик ҳодисалар ва воқеаларни тизимли равишда таҳлил қилиб бориши лозим. Бу унга таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш ва уни бошқаришдаги ижобий ва салбий жиҳатларни, муваффакият ва мағлубиятлар сабабларини ўз вақтида аниқлаш имконини беради. Ушбу жараёнда педагогда ўз фаолият натижаларини илмий башорат қилиш қобилияти ривожланади, унинг таҳлиллари эса тадқиқотчилик даражасига кўтарилишини қузатиш мумкин.

Шундай қилиб, замонавий таълим шароитида жисмоний тарбия үқитувчилиси ўз ижодий салоҳиятини ижодий фаолиятини таълим жараёнига киритиш йўли билан юзага чиқариши лозим, чунки бу унинг касбий компетентлигининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Касбий компетентлик ҳар қандай соҳада мутахассиснинг амалий фаолиятга тайёрлиги бўлиб, бу касбий хусусият унинг амалий фаолиятга тайёргарлик даражасини баҳолашда катта аҳамиятга эга бўлган асосий параметр ҳисобланади. Шу сабабли сўнгги йилларда мамлакатимизда бўлажак ва амалий фаолиятдаги мутахассислар компетентлигини оширишга, компетенциявий ёндашув асосида таълимни ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Замонавий таълим шароитида ҳар бир замонавий үқитувчи касбий фаолиятни ташкил қилишда компетентлик сифатларини намоён қилиши зарур ҳисобланади.

Тадқиқотимиз давомида үқитувчи касбий компетентлигининг асосий турлари сифатида қуйидагилар аниқлаштирилди:

- коммуникатив компетентлик – мұхим аҳамиятли касбий сифат бўлиб, нутқий, тинглаш кўнимларни, экстраверсия, эмпатияларни ўз ичига олади;
- ахборот компетентлиги – педагогнинг ўзи, үқувчилар, уларнинг ота-оналари, ҳамкаслари ҳақидаги маълумотлар мажмудидан иборат;
- интеллектуал-педагогик компетентлик – касбий фаолиятда эгалланган билим, тажрибаларини самарали таълим-тарбия жараёнига қўллай олиш, педагогнинг инновацион фаолиятни амалга ошириш қобилиятига эгалиги ҳисобланади;



- тартибга солиш компетентлиги – педагогнинг ўз халқ-авторини бошқариш, ҳис-туйғу ва эмоцияларини назорат қилиш кўникмалари, рефлексияга қобилияти, стрессга чидамлилиги.

Жисмоний тарбия ўқитувчиси профессионализмининг энг муҳим бел-гиларидан бири бўлган таълим-тарбиянинг у ёки бу шакллари, усулларидан фойдаланган ҳолда, ўқувчиларнинг ҳар бирига ўз шахсий муносабатини билдиришида намоён бўлади. Жисмоний тарбия ўқитувчиси касбий фаолиятининг энг муҳим кўрсаткичи ўқувчилар жамоасини шакллантириш учун турли хил ўзгарувчан шахслараро алоқалардан фойдаланишида кўзга ташланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, педагогик ижод бу орттирилган билим ва тажрибаларни фаол ўзлаштириш ҳамда тубдан ўзгартириш жараёни бўлиб, у педагогик вазиятга мослашишдан тортиб, уни тубдан ўзгартиришгача бўлган йўл, яъни унинг ижодий динамикасининг моҳиятини ташкил қиласди. Педагогнинг ижодий индивидуаллиги бу унинг фаолиятига берилган энг юқори тавсиф хисобланади. Унга жавоб бериш, унга янгилик киритиш ва олдинга ҳаракат қилиш соғлом турмуш тарзи муносабатини мустаҳкамлаш гарови ҳамда бу таълимнинг амалий шаклларига жуда мувофиқ келувчи ходисадир.

#### **Адабиётлар:**

1. Геберт В.К. Развитие педагогического творчества учителя физической культуры в системе повышения квалификации: автореф. дис. ... канд. пед. наук: 13.00.04 / В.К. Геберт; ГОУ ВПО “Забайкал. гос. гуманитарно-пед. ун-т им. Н. Г. Чернышевского”. - Чита, 2006. – 24 с.
2. Исаев И.Ф. Профессионально-педагогическая культура преподавателя: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: Академия, 2002. – 208 с.
3. Колесникова В.И. Индивидуальный стиль педагогического творчества в отечественных инновационных воспитательно-образовательных концепциях 1960-1980-х гг.: автореф. дис. ... канд. пед. наук: 13.00.01 / В.И.Колесникова; Пятигорс. гос. лингвист, ун-т. - Пятигорск, 2006. – 24 с.
4. Белова Е.Д. Педагогическое мастерство учителя физической культуры и тренера: учеб. пособие для студентов и аспирантов / Е.Д. Белова, И.С. Дятловская. - Минск: ИНПРЕДО, 1993. – С. 35-37.
5. Волошина И. А., Лейбович А. Н., Новиков П. Н., Зуев П. Н., П. Н. Прянишникова, Косаковская П. Н., Блинов П. Н., Есенина П. Н., Клинк О. Ф., Факторович О. Ф., Сергеев О. Ф. Формирование системы профессиональных квалификаций. Словарно-справочное пособие. – Москва: Издательство «Перо», 2016. – 48 с.

#### **РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада жисмоний тарбия ўқитувчининг ижодий салоҳиятини ривожлантириш амалий таълим сифатини оширишининг шарти ҳақида маълумот берилган.

#### **РЕЗЮМЕ**

В данной статье дана информация о состоянии творческого потенциала преподавателя физической культуры и повышения качества образования.

#### **SUMMARY**

This article provides information about the state of the creative potential of a physical education teacher and improving the quality of education.

Т. Н. Қары Ниязий атындағы Өзбекстан педагогикалық  
илим-изертлеў институтының Ж. Орынбаев атындағы Каракалпақстан филиалы

**«МУГАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ  
БИЛИМЛЕНДИРИҮ»**

**№ 6/3**

**Нөхис — 2023**

Басып шығыўға жуўапкер:

*A. Тилегенов*

Баспаға таярлаған:

*A. Тилегенов, Р. Утенов*

Компьютерде таярлаған:

*П. Реймбаев*

*Мәнзил: Нөхис қаласы, Ерназар Алакөз көшеси №54*

*Тел.: 224-23-00*

*e-mail: uzniipnkkf@mail.uz,*

*mugallim-pednauk@mail.uz*

*www.mugallim-uziksiz-bilim.uz*

*Журналга келген мақалаларға жуўап қайтарылмайды, журналда жөргилянган мақалалардан алынған үзиндер «Мугаллим ҳәм үзлиksiz билимлендириү» журналынан алынды, дең көрсетилийи шәрт. Журналга 5-6 бет көлеміндеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен биргеле қабыл етиледи. Мақалада көлтирилген магылматтарға автор жуўапкер.*

Оригинал-макетten басыўға рухсат етилди 18.12.2023. Форматы 70x100<sup>1/8</sup>  
«Таймс» гарнитурасында оғсет усылында басылды.

Шәртли б.т. 27 . Нашр. т. Нусқасы \_\_\_\_\_ Буйыртпа №